




**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
ХУЗУРИДАГИ ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ
БУЙРУҒИ**



**Карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш, қайтариб юбориш ва йўқ қилиш
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 апрелдаги 278-сон “2019 йил агентликлар, қўмиталар, марказлар, давлат инспекциялари ва давлат бошқаруви бошқа органларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш, қайтариб юбориш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Бошлик



И.Эргашев

Тошкент ш.

2019 йил “14” октябрь

8 - сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси
бошлиғининг 2019 йил 14 октябрдаги
8-сон буйруғига

ИЛОВА

**Карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш, қайтариб юбориш
ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 январдаги 65-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш ва Ўсимликлар карантини соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ карантин остидаги маҳсулотларнинг тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлмаган, ўсимликлар карантини объектлари билан зарарланган карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш, қайтариб юбориш ва йўқ қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ўсимликлар карантини объекти – дунёда карантин аҳамиятига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлмаган ёки чекланган тарзда тарқалган зарарли организмлар;

карантин остидаги маҳсулот – ўсимликлар карантини объектларини ташувчилар бўлиши мумкин бўлган ўсимликлар, уларнинг қисмлари, экиш материаллари, қайта ишлаш маҳсулоти, бошқа маҳсулот ва юklar.

2. Ушбу Низом талаблари карантин остидаги маҳсулотни олиб кириш, олиб чиқиш, транзит тарзида олиб ўтиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва сотиш ишлари билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

2-боб. Карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш

3. Қуйидаги ҳолларда карантин остидаги маҳсулотлар олиб қўйилади:

Ўсимликлар карантини объектлари аниқланганда;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган экиш материаллари ва маҳсулотлар аниқланганда;

карантин остидаги маҳсулотнинг тегишли ҳужжатлари (карантин рухсатномаси талаб этиладиган ўсимликлар ва маҳсулотлар учун карантин рухсатномаси, хорижий мамлакатнинг ваколатли давлат органлари томонидан бериладиган фитосанитар сертификати ёки гувоҳномаси) мавжуд бўлмаганда.

4. Карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш вақтида ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш тўғрисида икки нусхада далолатнома (кейинги ўринларда олиб қўйиш далолатномаси деб аталади) тузилади.

Олиб қўйиш далолатномасининг бир нусхаси карантин остидаги маҳсулотнинг эгасига (унинг вакили ёки юкни қабул қилиб олувчи, ташувчига) берилади, иккинчи нусхаси ўсимликлар карантини давлат инспекторидан қолади.

5. Олиб қўйиш далолатномаси тузилаётган вақтнинг ўзида маҳсулотга нисбатан қўлланиладиган тадбирлар амалга оширилгунга қадар, ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан уни сақлаб туришга доир чоралар кўрилади.

6. Олиб қўйиш далолатномаси тузилган вақтдан бошлаб 24 соат ичида Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекторига ёзма равишда хабар берилади.

7. Ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан олиб қўйилган карантин остидаги маҳсулотдан намуналар олинади ва улар лаборатория экспертизасидан ўтказиш учун тегишли лабораторияга юборилади.

8. Карантин остидаги маҳсулотни тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ҳолларда, ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан тузилаётган олиб қўйиш далолатномасида карантин остидаги маҳсулотнинг эгасига икки кун муддат ичида тегишли ҳужжатларни тақдим этиши кўрсатиб ўтилади.

9. Олиб қўйилган карантин остидаги маҳсулотни тегишли ҳужжатлар тақдим қилинганда ва/ёки лаборатория экспертизаси хулосасига кўра маҳсулотда ўсимликлар карантини объектлари мавжуд бўлмаган тақдирда ўсимликлар карантини давлат инспекторининг кўрсатмасига асосан юк эгасига (унинг вакили ёки юкни қабул қилиб олувчи, ташувчига) зудлик билан қайтариб берилади.

3-боб. Карантин остидаги маҳсулотни қайтариб юбориш

10. Лаборатория экспертизаси хулосасига кўра олиб қўйилган карантин остидаги маҳсулотда карантин объектлари аниқланса, ўсимликлар карантини давлат инспекторининг ёзма кўрсатмасига асосан фитосанитар ишлов берилади ва/ёки юк жўнатувчи давлатга қайтариб юборилади.

11. Қуйидаги ҳолларда карантин остидаги маҳсулот юк эгасига (унинг вакили ёки юкни қабул қилиб олувчи, ташувчига) қайтариб юборилади:

карантин остидаги маҳсулот ўсимликлар карантини объектлари аниқланганда;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган экиш материаллари ва маҳсулотлари аниқланганда;

карантин остидаги маҳсулотнинг тегишли ҳужжатлари (карантин рухсатномаси талаб этиладиган ўсимликлар ва маҳсулотлар учун карантин рухсатномаси, хорижий мамлакатнинг ваколатли давлат органлари томонидан бериладиган фитосанитар сертификати ёки гувоҳномаси) мавжуд бўлмаганда.

12. Карантин остидаги маҳсулотни қайтариб юбориш учун ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда қайтариб юбориш тўғрисида икки нусхада далолатнома тузилади.

Қайтариб юбориш тўғрисидаги далолатноманинг бир нусхаси карантин остидаги маҳсулотнинг эгасига (унинг вакили ёки юкни қабул қилиб олувчи, ташувчига) берилади, иккинчиси нусха эса ўсимликлар карантини давлат инспекторида қолади.

4-боб. Карантин остидаги маҳсулотни йўқ қилиш

13. Карантин ва бошқа хавфли зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар билан зарарланган карантин остидаги маҳсулотларни зарарсизлантириш ва юк жўнатувчига қайтариб юборишнинг имконияти мавжуд бўлмаса улар йўқ қилиниши (маҳсус жойда ёқиб юбориш ёки чуқур қазиб кўмиб ташлаш йўли билан) лозим.

14. Ўсимликлар карантини объектлари мавжуд бўлган карантин остидаги маҳсулотни йўқ қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги ҳамда “Чикиндилар тўғрисида”ги қонунларига ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

15. Карантин остидаги маҳсулотни йўқ қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат

инспекциялари (кейинги ўринларда ҳудудий инспекциялар деб аталади) бошлиқлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳудудий органларининг ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекциясининг ҳудудий бўлинмаларининг вакиллари жалб қилган ҳолда, таркибида камида 5 кишидан иборат комиссия тузилади (кейинги ўринларда – Комиссия деб аталади).

16. Карантин остидаги маҳсулот экспертиза текширувидан ўтказилган тақдирда, экспертиза хулосаси тегишли ҳудудий инспекцияга келиб тушган ёки олиб қўйиш далолатномаси тузилган кундан эътиборан бир кун ичида ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан далолатнома ва экспертиза хулосаси (агарда мавжуд бўлса) илова қилинган ҳолда Комиссияга юборилади.

17. Олиб қўйиш далолатномасига ва/ёки экспертиза хулосасига (агарда мавжуд бўлса) асосан Комиссия томонидан мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда, карантин остидаги маҳсулотнинг атроф муҳит учун зарарли эканлигини ҳисобга олган ҳолда йўқ қилиш санаси, усули ва жойини аниқлаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

18. Ўсимликлар карантини объектлари тарқалиши ва карантин остидаги маҳсулот ўғирланиши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, улар ўсимликлар карантини давлат инспекторининг кўрсатмаларига биноан махсус жойларда пломба босилган ҳолда сақланади.

19. Карантин остидаги маҳсулотни йўқ қилиш маҳсулот эгаси (унинг вакили ёки юкни қабул қилиб олувчи, ташувчи) иштирокида Комиссия томонидан қарор қабул қилинган санадан бошлаб беш иш кунидан кечиктирмасдан амалга оширилади.

20. Ҳудудий инспекция Комиссия томонидан йўқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кун ичида маҳсулот эгасига (қабул қилиб олувчи) карантин остидаги маҳсулотни йўқ қилиш санаси, усули ва жойи ҳақида хабар беради.

21. Карантин остидаги маҳсулот йўқ қилиш жараёнидан сўнг, Комиссия томонидан мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда йўқ қилиш тўғрисида тўрт нусхада далолатнома (кейинги ўринларда йўқ қилиш далолатномаси деб аталади) тузилади.

Далолатнома Комиссия аъзолари ҳамда карантин остидаги маҳсулотларнинг эгаси (унинг вакили ёки юкни қабул қилиб олувчи, ташувчи) томонидан имзоланади ва ҳудудий инспекция муҳри билан тасдиқланади.

Агар карантин остидаги маҳсулот йўқ қилиш жойига маҳсулот эгаси (унинг вакили ёки юкни қабул қилиб олувчи, ташувчи) белгиланган вақтда келмаса, йўқ қилиш жараёни давом эттирилади ва бу ҳақда йўқ қилиш далолатномасига қайд этилади.

22. Йўқ қилиш жараёни фотосурат ёки видео ёзувга олинади.

23. Карантин остидаги маҳсулотни йўқ қилишда унинг истёмоли хусусиятлари тўлиқ йўқ қилиниши шарт.

24. Комиссиянинг қарорлари ва фотосурат (видео ёзувлар) нусхалари йўқ қилиш далолатномаси нусхаларига илова қилинган ҳолда маҳсулот эгасига (унинг вакили ёки юкни қабул қилиб олувчи, ташувчига) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий органларига ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекциясининг ҳудудий бўлинмаларига юборилади.

25. Зарарланган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни фумигация, дегазация, рефрежерация қилиш ёки бошқа усулларда зарарсизлантириш (тозалаш, қайтариб юбориш ёки бошқа манзилга жўнатиш, йўқ қилиб ташлаш), юкларни, багажларни, почта жўнатмаларини очиш ёки кадоклаш, уларни зарарсизлантириш жойларига олиб бориш ва у ердан қайтариб олиб келиш билан боғлиқ харажатлар юкни олувчилар ёки карантин остидаги маҳсулотни жўнатувчилар ҳисобидан амалга оширилади.

5-боб. Якуний қоидалар

26. Агар маҳсулот эгаси экспертиза хулосаси ёки Комиссиянинг қароридан норози бўлган тақдирда, юқори турувчи органларга ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

27. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

28. Ушбу Низом Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазирли

А.Шадманов

«11» октябрь 2019 йил

Давлат божхона қўмитаси раиси

М.Азимов

«12» октябрь 2019 йил

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш давлат қўмитаси раиси

Б.Кучқоров

«12» октябрь 2019 йил

Савдо-саноат палатаси раиси

А.Икрамов

«12» октябрь 2019 йил

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари
ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси

А.Хаитов

«12» октябрь 2019 йил

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Санитария-эпидемиология
назорати давлат инспекцияси

Н.Атабеков

«12» октябрь 2019 йил

Карантин остидаги маҳсулотни олиб
қўйиш, қайтариб юбориш ва йўқ қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш тўғрисида _____ сон
ДАЛОЛАТНОМА

« _____ » _____ 20 _____ й.

_____ (расмийлаштириш жойи)

_____ (тегишли ўсимликлар карантини давлат инспекцияси)
ўсимликлар карантини давлат инспектори _____
(Ф.И.О.)

Томонидан _____ карантин остидаги маҳсулот олиб қўйилди.
(номи ва миқдори)

- ☐ - импорт юкида
- ☐ - товарда
- ☐ - почта жўнатмасида
- ☐ - қўл юки, бағажда
- ☐ - бошқа: _____

Жўнатувчи/Юк жўнатувчи: _____
(Ф.И.О./номи, манзили)

Қабул қилувчи/Юкни қабул қилувчи: _____
(Ф.И.О./номи, манзили)

Транспорт тури: _____ транспорт воситасининг давлат рақами: _____

Фитосанитар сертификати ёки гувоҳномаси _____
(рақам, берилган санаси)
_____ томонидан берилган.
(ташкилот, идора ва бошқа муассаса номи)

Карантин остидаги маҳсулот қуйидаги ҳолларда олиб қўйилади:

- ☐ - зарарланганда;
- ☐ - олиб кириш тақиқланганда;
- ☐ - рухсат этувчи ҳужжатлар тақдим этилмаганда: _____

Карантин остидаги маҳсулотга қуйидаги чоралар қўлланилади:

- ☐ - йўқ қилиш;
- ☐ - қайтариб юбориш;
- ☐ - лаборатория экспертизасига юбориш.

Ўсимликлар карантини
давлат инспектори

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Карантин остидаги
маҳсулот эгаси (вакили)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)



Карантин остидаги маҳсулотни олиб
қўйиш, қайтариб юбориш ва йўқ қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Карантин остидаги маҳсулотни қайтариб юбориш тўғрисида _____ сон
ДАЛОЛАТНОМА

« _____ » _____ 20 _____ й.

_____ (расмийлаштириш жойи)

_____ (тегишли ўсимликлар карантини давлат инспекцияси)

Ўсимликлар карантини давлат инспектори _____

_____ (Ф.И.О.)

Фитосанитар сертификати ёки гувоҳномаси _____

_____ (рақам, берилган сана)

_____ томонидан

_____ (ташкilot, идора ва бошқа муассаса номи)

берилган, _____ дан олиб кирилган
(юбoрyвчининг манзили, товар-транспорт юкхатининг рақами, транспорт воситасининг давлат рақами)

_____ манзилга бoрyвчи

_____ (қабул қилувчи, юк қабул қилувчининг номи)

_____ карантин остидаги маҳсулот

_____ (номи ва миқдори)

Ўзбекистон Республикасининг Ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ қуйидаги сабабларга
қўра юк жўнатувчига қайтарилади:

- ☐ - ўсимликлар карантини объектлари билан зарарланганда _____
(лаборатория экспертиза гувоҳномасининг санаси ва рақами)
- ☐ - олиб кириш тақиқланганда _____
- ☐ - рухсат этувчи ҳужжатлар тақдим этилмаганда: _____

Ўсимликлар карантини давлат
инспектори

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Карантин остидаги маҳсулот
эгаси (вакили)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)



Карантин остидаги маҳсулотни олиб
қўйиш, қайтариб юбориш ва йўқ қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Карантин остидаги маҳсулотни йўқ қилиш комиссиясининг
ҚАРОРИ**

« _____ » _____ 20 ____ й.

Кун тартибидаги масала:

йўқ қилиш усулини аниқлаш _____

Иштирок этдилар: _____

(Ф.И.О.)

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиш:

1. Карантин остидаги маҳсулотнинг эгаси ҳақида маълумот.
2. Лаборатория экспертизасининг хулосаси.
3. Таклифлар.

Йўқ қилиш усули _____

Йўқ қилиш санаси ва жойи _____

Қарор қилинди: _____

(йўқ қилиш санаси, жойи ва усули)

(Ф.И.О. иш жойи, лавозими)

(Ф.И.О. иш жойи, лавозими)

(Ф.И.О. иш жойи, лавозими)

(Ф.И.О. иш жойи, лавозими)

(Ф.И.О. иш жойи, лавозими)

(имзо)

(имзо)

(имзо)

(имзо)

(имзо)



Карантин остидаги маҳсулотни олиб
қўйиш, қайтариб юбориш ва йўқ қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

ДАЛОЛАТНОМА

Карантин остидаги маҳсулотни йўқ қилиш тўғрисида _____ сон

Мазкур далолатнома «____» _____ 20____ йилда қуйидаги шахсларнинг

иштирокида _____
(карантин остидаги маҳсулот номи ва миқдори)
карантин остидаги маҳсулот йўқ қилинди.

Йўқ қилиш усули _____

Йўқ қилиш санаси ва жойи _____

Йўқ қилишда иштирок этдилар:

_____ (Ф.И.О. иш жойи, лавозими)	_____ (имзо)
_____ (Ф.И.О. иш жойи, лавозими)	_____ (имзо)
_____ (Ф.И.О. иш жойи, лавозими)	_____ (имзо)
_____ (Ф.И.О. иш жойи, лавозими)	_____ (имзо)
_____ (Ф.И.О. иш жойи, лавозими)	_____ (имзо)
_____ (маҳсулотнинг эгаси Ф.И.О.)	_____ (имзо)

*

*Изоҳ: маҳсулот йўқ қилиш жойига белгиланган вақтда маҳсулот эгаси (юкни қабул қилиб олувчи, ташувчи ёки унинг вакили) келмаган тақдирда, йўқ қилиш жараёни давом эттирилади ва бу ҳақида карантин остидаги маҳсулотни йўқ қилиш далолатномасига қайд этилади.

